

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ҚЎМИТАСИ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ**



**ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ:
ЗАМОНАВИЙ АМАЛИЁТ ВА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ ТЎПЛАМИ**

I қисм

21-22 май, 2020 йил

Самарқанд – 2020

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ҚЎМИТАСИ**

**САМАРҚАНД ВЕТЕРИНАРИЯ МЕДИЦИНАСИ
ИНСТИТУТИ**

**ВЕТЕРИНАРИЯ ВА ЧОРВАЧИЛИКНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ:
ЗАМОНАВИЙ АМАЛИЁТ ВА ИННОВАЦИОН
ТЕХНОЛОГИЯЛАР**

**РЕСПУБЛИКА ИЛМИЙ-АМАЛИЙ КОНФЕРЕНЦИЯ
МАТЕРИАЛЛАРИ
ТЎПЛАМИ**

II қисм

21-22 май, 2020 йил

Самарқанд – 2020

	гинекологических заболеваний человека и животных.....	
75.	Авлиёқулов М.Т., Ибрагимов Ф.Б. Бруцелёз билан касалланган ҳайвонлардан олинган махсулотларни ветеринария - санитария экспертизаси.....	209
76.	Муродов С.М., Холиков С.Ф., Худжамшукуров А.Н. Қорамол гўштининг ветеринария санитария экспертизаси.....	211
77.	Ачилов О.Э. Қорамол гўштини ветеринария-санитария экспертизаси.....	213
78.	Ибрагимов Б.Х., Файзиёва Ф.С. Ветеринарно-санитарная экспертиза туш и органов животных, подвергшихся радиационному воздействию.....	217
79.	Хамраев А.Х., Ибрагимов Ф.Б. Чучук сув ҳавзаларида лигулёз билан зарарланган балиқларнинг ветеринария санитария экспертизаси.....	219
80.	Насимов Ш.Н., Азимова Д.И., Ибрагимов З.Ю. Профилактика заболеваний в прудовых рыбоводных хозяйствах.....	223
81.	Курбанов А.Р., Ким С.И. К вопросу о болезнях прудовых рыб в Узбекистане.....	226
82.	Журавель Н.А., Абдыраманова Т.Д., Журавель В.В. Совершенствование ветеринарного обслуживания мелких непродуктивных животных в условиях ветеринарной клиники.....	228
83.	Улугмуродов А.Д., Саидов А.А., Рўзимуродов М.А. Сутчилик йўналишидаги қорамолчилик хўжалиқларига бўлган ветеринария талаблари ва бу борадаги тавсиялар.....	230
84.	Торешова А.У. Орол бўйи маҳаллий эчкиларининг айрим биологик хусусиятлари.....	236
85.	Бабаева Ш.А. Ветеринарияда туяқушчиликни ривожлантириш истиқболлари....	239

Ветеринария ва чорвачилик соҳаларида малакали кадрлар тайёрлаш, ўқитишнинг замонавий усуллари

86.	Давлатов Р.Б., Самиев А.Я. Мустақиллик йилларида ветеринария соҳасида қонунчилик базасининг яратилиши.....	244
87.	Сайдалиев Д., Пардаев Р. Малакали кадр-замон талаби.....	246
88.	Сайфудинова Дж.Б. Туркистон халқ ветеринария хизмати тарихи тарихий манбаларда.....	248
89.	Самиев А.Я. Самарқанд қишлоқ хўжалиги институтининг ветеринария соҳаси мутахассисларининг тайёрланишидаги ўрни.....	251
90.	Тангиров Ш.А. Совет иттифоққи даврида ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги муаммолари.....	254
91.	Абдуллаев Ш. Ўзбекистонни ривожлантириш стратегияси. Фуқаролик жамияти фанини ўқитишда блогерлик постлари манбаа сифатида.....	261
92.	Даминов А.С. Бухоро амирлигида рус элчихонасининг қурилиши тарихига доир ёзишмалар.....	264
93.	Даминов А.С. Тасаввуф таълимотида Хўжа Ахрор валиининг ўрни.....	267
94.	Даминов А.С. Соҳибқирон Амир Темур ва темурийлар давлатига асос солиниши (Фаргона водийси мисолида).....	269
95.	Ҳайдаров О., Абдуллоев Ш. Талаба ёшларда сиёсий ва ҳуқуқий маданиятни шакллантиришнинг долзарблиги.....	272
96.	Ostanov J.E. Barkamol avlod tarbiyasida ma'naviy barkamollik masalalari.....	274
97.	Ваҳабов М.Т., Ваҳобова Ш.Б. Маънавий таҳдид ва қарши тағибот.....	277
98.	Ваҳабов М.Т., Ваҳобова Ш.Б. Мустақил фикр – қарши тарғибот воситаси сифатида.....	279
99.	Самиева З.О. Ўзбекистон–Қозоғистон: маънавий - маданий ҳамкорликнинг янги босқичи.....	281

**МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА ВЕТЕРИНАРИЯ СОҲАСИДА
ҚОНУНЧИЛИК БАЗАСИНИНГ ЯРАТИЛИШИ**

Р. Б.Давлатов, А. Я.Самиев

Самарканд ветеринария медицинаси институти

Маълумки, ветеринария соҳаси мамлакат тараққиёти ва инсонлар саломатлигини асрашда муҳим аҳамиятга эга. XIX асрда яшаган машҳур рус ветеринар врачлари С. Евсеенко таъбири билан айтилганда, тиббиёт инсонни, ветеринария эса инсониятни асрайди. Мазкур омиллар туфайли мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилларидан эътиборан ветеринария соҳасида ҳам ислохотлар олиб борилди. Айниқса, соҳа ҳуқуқий асосларининг яратилиши мазкур соҳа тараққиётида муҳим аҳамиятга эга бўлди. Шу сабабдан, ветеринария йўналиши ҳуқуқий асосларининг яратилиши ва унинг натижалари таҳлили ҳозирги кунда долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида ветеринария соҳаси миқёсида амалда бўлган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар замон талабларига мослаштириш ишлари олиб борилди. Жумладан, 1993 йил 3 сентябрда «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни қабул қилинди [1]. Мазкур Қонун соҳа тараққиёти учун зарур бўлган асосий йўналишларни белгилаб берди. 1997 йил 26 декабрда эса «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонуни [2] қабул қилинди. 4 боб, 41 моддадан иборат бўлган мазкур Қонунда ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари, мазкур қонун ҳужжатларининг вазифаси, ҳайвонот дунёсига нисбатан мулкдорлик, ҳайвонот дунёси объектлари шунингдек, фуқаролар ва жамоат бирлашмаларининг ҳайвонот дунёсини ҳамда унинг яшаш муҳитини муҳофаза қилиш соҳасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари ва бошқалар ўз аксини топди.

Мустақиллик йилларида янгидан қабул қилинган Қонун ҳужжатларини такомиллаштириш ва замон талаблари даражасига кўтариш тадбирлари ҳам олиб борилди. Жумладан, 2015 йилга келиб, олдин қабул қилинган «Ветеринария тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритилган бўлса, «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Қонун эса 2016 йилдаги «Ҳайвонот дунёсини муҳофаза қилиш ва ундан фойдаланиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги Қонунига асосан янги таҳрирда қабул қилинди.

Юқорида номлари келтирилган норматив - ҳуқуқий ҳужжатлар асосида мамлакатимизда мустақиллик йилларида олиб борилган режали ишлар натижасида қорамоллар сони 2,4 баробарга, қўй ва эчкилар сони 2 каррага, паррандалар сони 1,9 мартага ўсишига ҳамда гўшт маҳсулотлари ҳажми 2,8 баробарга, сут 2,7 мартага, тухум 3,3 баробарга ошишига эришилди [3].

Шу билан бирга, давлат ветеринария хизмати амалдаги тизимининг таҳлили давлат ветеринария хизмати соҳасида ишларнинг умумий ҳолати мамлакатимизнинг жадал суръатларда ижтимоий-иқтисодий ривожланиш суръатларидан сезиларли даражада ортда қолаётганлиги, тармоқда ягона бошқарув тизими яратилмаганлиги, унинг моддий-техника базаси маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирганлиги ва бошқа бир қатор муаммо ва камчиликлар мавжудлигини кўрсатди.

Шу сабадан, ветеринария соҳасида давлат бошқарувини тубдан такомиллаштириш, эпизоотик барқарорлик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш, ветеринария сервис хизматлари сифатини ошириш ва давлат ветеринария хизматини янада такомиллаштириш мақсадида 2017 йил 1 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони [3] қабул қилинди. Мазкур Фармон билан Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ҳузуридаги Давлат ветеринария бош бошқармаси негизида Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси ташкил этилиб, унинг асосий вазифа ва йўналишлари белгиланди.

Шунингдек, ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида 2017 йил 1 июнда «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори [4] қабул қилинди. Унда Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитасининг ташкилий тузилмаси, Давлат ветеринария қўмитаси тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати, Давлат ветеринария қўмитаси марказий аппаратининг чекланган бошқарув ходимларидан иборат тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси ветеринария қўмитаси ва вилоятлар ветеринария бошқармаларининг намунавий тузилмалари ва бошқалар тасдиқланди.

Шу билан бирга, Республикада наслчилик-селекция ишларини юритишнинг илмий асосланган инновацион услубларини жорий этиш, сунъий уруғлантиришни тизимли ташкил этиш, қишлоқ хўжалиги ҳайвонлари орасидаги эпизоотик осойишталик ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш мақсадида 2019 йил 28 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-5696-сон «Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони эълон қилинди [5]. Мазкур Фармон асосида Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси этиб қайта ташкил этилди ва унинг асосий вазифалари белгилаб берилди. Бундан ташқари, ушбу Фармон ижросини таъминлаш мақсадида «Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори қабул қилинди [6]. Мазкур ҳужжатга мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитасининг ташкилий тузилмаси, Ўзбекистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат қўмитаси тизимига кирувчи ташкилотлар рўйхати, мазкур қўмитанинг бошқарув ходимлари чекланган сонидан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси, Қорақалпоғистон Республикаси Ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш қўмитаси, вилоятлар ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бошқармаларининг намунавий тузилмалари ва бошқалар тасдиқланди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, мустақиллик йилларида ветеринария соҳасини ривожлантириш ва уни замонавий даражага олиб чиқиш ишлари олиб борилди. Мазкур тадбирлар айниқса, сўнгги йилларда жадал тус олди. Бу борада соҳага таалуқли янгидан қабул қилинган меъёрий -ҳуқуқий ҳужжатлар муҳим рол ўйнади. Хусусан, мазкур соҳа бўйича Ўзбекистон Республикаси Президентининг бир қанча Фармон ва Қарорлари эълон қилинди. Ушбу ҳужжатларни амалга ошириш учун Вазирлар Маҳкамаси томонидан тегишли меъёрий - ҳужжатлар тасдиқланди. Амалга оширилган тадбирлар соҳа ривожига муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 335-модда
2. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1998 й, 1-сон, 14-модда

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат ветеринария хизмати бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармониغا шарҳ, «Халқ сўзи», 2017 йил 3 июн, № 110 (6804)

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори Ўзбекистон Республикаси Қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 йил, 23 сон, 453-модда

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”/ Lex.uz

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қарори “Ўзбекистон Республикаси ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш давлат кўмитаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида”/ Lex.uz

УДК: 636.7.5.12

МАЛАКАЛИ КАДР-ЗАМОН ТАЛАБИ

Д.Сайдалиев., Р.Пардаев

Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази

Аннотация. Мазкур мақолада Самарқанд ветеринария медицинаси институти ҳузуридаги Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш марказида малака оширишни ташкил этилиши ҳамда 2019-2020 ўқув йилининг сентябр-март ойларида курсларида қатнашган тингловчилар тўғрисида маълумотлар берилган.

Калит сўзлар. Марказ, малака, тингловчи, тоифа, сертификат, ВСЭЛ, инновацион.

Кириш. Мамлакатимизда чорва моллари ва паррандалар бош сонини барқарор оширишни таъминлаш, ветеринария назоратини кучайтириш ва ветеринария хизматлари сифатини ошириш, ҳайвонларнинг соғлигини ҳимоя қилишни самарали ташкил этиш, эпизоотик осойишталик ва озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлаш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 28 мартдаги ПФ-5696-сонли “Ветеринария ва чорвачилик соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида асосан Илмий-тадқиқот ишлари, кўмита тизимидаги ташкилотларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, соҳа кадрлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш, шунингдек ходимларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлаш, мамлакат ҳудудларини ҳайвонларнинг юқумли касалликлари кириб келишидан ҳимоя қилишни таъминлаш, ҳайвонлар касалликлари профилактикасининг ва уларни даволашнинг замонавий усулларини амалиётга жорий этиш, маҳаллий ва хорижий фан ютуқларини татбиқ этиш асосида:

ветеринария дори воситаларининг янги турлари ва шаклларини ишлаб чиқаришни ташкил этиш;

эпизоотик осойишталикни таъминлашда ҳайвонларнинг юқумли касалликларини ўз вақтида аниқлаш, ташхис қўйиш ва тарқалишининг олдини олишга доир профилактика ишларининг самарадорлигини мониторинг қилиш каби бир қатор масалалар белгилаб берилди.

Шу нуқтан назардан ушбу соҳада фаолият олиб бораётган мутахассисларнинг малака ошириш жараёнларига инновацион ёндашувларни жорий этиш ҳамда кадрларнинг касбий билимларини доимий ошириб бориш долзарб ҳисобланади.

Материаллар ва методлар. Марказда малака ошириш курсларини ташкил этиш бўйича қилинган ишлар ва уларда қатнашган тингловчилар йўналишлар кесимида таҳлил қилинади.